

**“Эл-юрт умиди” жамғармасы ҳузуридаги
хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар иштирокидаги
Халқаро экспертлар кенгаши
2 -сонли баёни**

Онлайн режимда

2020 йил 9 май соат 18.00 (Тошкент вақти)

КУН ТАРТИБИ

1. Кенгашга янги аъзоларни қабул қилиш.
2. Кенгаш фаолиятини ривожлантириш масалалари.

Муҳокамалар:

1-масала бўйича.

“Эл-юрт умиди” жамғармасы ҳузуридаги хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар иштирокидаги Халқаро экспертлар кенгашига қабул қилиш ва унинг фаолиятида иштирок этиш мақсадида, “Эл-юрт умиди” жамғармасы томонидан таклиф этилган қуйидаги ватандошларимиз ўзлари тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтдилар.

Маткаримов Акрамжон Мухторович – Германия Бремен университети, Техника ва таълим институти, Касб-ҳунар ва меҳнат бозори лойиҳалари координатори (PhD).

Қорабоев Иқболжон Исоқжонович – Қозоғистон давлат юридик университети доценти (PhD).

Умирдинов Алишер Исоқжонович – Япония Нагоя Иқтисодиёт Университети Ҳуқуқ факультети профессори (PhD).

Хамиджон Иргашев – Буюк Британия Hult International Business School, London School of Economics профессор ассистенти.

Юсупов Мардон Исхакович – Буюк Британия Cadbury Sixth Form College, А-даражали Математика фани ўқитувчиси.

Кадиров Хожиакбар Абдунабиевич – Германия BMW AG, BMW ва Rolls Royce кузовлари бўйича инженер-технологи.

Каттаев Одилбек Серкаевич – Россия Федерацияси Корпоратив университет, Муҳандислик-техника экспертизасини ривожлантириш маркази эксперти.

Ҳар бир ватандошимиз ўзларини таништириш жараёнида “Эл-юрт умиди” жамғармасы Халқаро экспертлар кенгашига аъзо бўлиш, Кенгаш фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига турли йўналишларда, хусусан ўзларининг соҳаларида беғараз янги таклифлар, инновацион ёндашувлар ва тавсиялар кўрсатиб боришга тайёр эканликларини билдириб ўтишди.

Шунингдек, Кенгаш аъзолари янги аъзолар сифатида қўшилаётган ватандошларимиз тўғрисида илиқ муносабатда бўлган ҳолда Кенгаш иштирокчилари географияси ошиб бораётгани, турли соҳаларда фаолият юритаётган ватандош-мутахассислар Кенгаш ишини янада яхшилашига, фикрлар хилма-хиллигига эришишга олиб келишини таъкидлаб ўтишди.

2-масала бўйича.

Мажлис спикери, Кенгаш аъзоси А.Ш.Бекмуродов Кенгаш фаолиятини бундан кейин ривожлантириш стратегияси масаласини муҳокама этишнинг долзарблиги тўғрисида гапирди.

Муҳокамада Кенгашнинг қуйидаги аъзолари ва таклиф этилган хориждаги ватандошлар иштирок этишди.

Бекмуродов Адҳам Шарипович – Ўзбекистон

Абдуллаев Бекзод Рахматуллаевич – Австралия

Уринов Воҳиджон Валиевич – Канада

Тўраханов Аробиддин Қўчкарович – АҚШ

Рустамбеков Элзотбек Абдуфаттоҳ ўғли – АҚШ

Юсупов Нурмухаммад Ахмедович – Жанубий Корея

Икромов Нуриддин Баҳриддинович – АҚШ

Юлдашев Искандар Бахрамович – Жанубий Корея

Жўраев Отабек Абдималикович – Жанубий Корея

Мирсадиқов Акмал Миразамович – АҚШ

Турдиев Миржаҳон Алибекович – АҚШ

Рустамов Зафар Махаммаджонович – АҚШ

Азимов Мамуржон Мансурович – АҚШ

Саттаров Одилжон Бердимуратович – Ўзбекистон

Юсупов Мардон Исхакович – Буюк Британия

Қорабоев Иқболжон Исоқжонович – Қозоғистон

Кенгашнинг барча аъзолари сўзга чиқиб, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш борасида қуйидаги аниқ таклифлар киритилди:

- Кенгаш иши самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш мақсадида аниқ амалий тадқиқотлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни 3-5 кишилик кичик минигуруҳларда олиб бориш;

- Кенгаш иши аниқ йўналишларини ва имкониятларини белгилаб олиш мақсадида 10 та ўз-ўзини молиявий бошқаришга ўтган ОТМлари ва кенгаш аъзолари ўртасида сўровнома ўтказиш;

- Кенгаш аъзолари ва ОТМлари ўртасида келишув шартномаси ёки меморандум асосида ишни ташкил этиш;

- мулоқотлар бир томонлама бўлмаслиги сабабли, оммавий илмий-амалий тақдиротларни давом эттириш ва унинг натижасида ОТМ профессор-ўқитувчилари қўлга киритган ютуқлари баён этилишини йўлга қўйиш;

- Ўзбекистонда хорижий адабиётларни харид қилиш эмас, уларнинг электрон вариантини бепул олиш ва таржимасини ташкил этиш; дарсларни видеога ёзиб олиш ва ОТМ расмий интернет сайтларига жойлаштириб бориш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим муассасалари фаолиятини ривожлантиришга оид Фармон ва қарорлари асосида ишлаш;

- Center for Learning and Student Success (CLASS) мавжуд лойиҳа дастури асосида пилот лойиҳа ишларини ташкил этиш; Academic Integrity фаолиятини хорижий давлатлардаги мавжуд тажрибалар асосида ўрганиш ва жорий этиш;

- бепул интернет трафикларини ОТМлари ҳудудларида кўпайтириш ва ишлаш учун Laptop ларни кредитга ажратишни йўлга қўйиш; масофадан ўқитиш платформаларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

- ОТМ ларини ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли лойиҳалар устида иш олиб бориш ва асосийси натижага эришиш; KPI асосида ОТМ лари профессор-ўқитувчилари фаолиятини баҳолаш;

- Ўзбекистонда олий таълим тизимига кредит-модуль тизимини жорий этишга, ОТМларининг халқаро академик рейтингларда иштирок этишига, профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятини ошириш ва уларнинг халқаро тан олинган илмий журналларда мақолалар чоп этишига, молиявий мустақиллик шароитида университетларни бошқаришга илғор хорижий тажрибани жорий этишга, ўқитиш ва талабалар билимини баҳолаш технологияларини такомиллаштиришга кўмаклашиш;

- Ўзбекистонда онлайн (жумладан очик) курслар/модуллар тажрибасини жорий этишга ёрдам бериш, хусусан, Кенгаш аъзолари таълим соҳалари бўйича аниқ курслар ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш; хусусан Coursera тажрибасидан Ўзбекистонда кенг фойдаланиш;

- Ўзбекистонда талабаларга имтиёзли шартларда таълим кредитлари бериш тизимини такомиллаштириш, бу борада халқаро тажрибани ўрганиш, халқаро молия ташкилотлар ва бошқа манбаларнинг имкониятларини ўрганиш; талабаларга имтиёзли таълим кредитлари беришда Давлат-хусусий шериклиги механизминини ишлаб чиқиш;

- Инглиз тилидаги таълимга урғуни бериш; секин ўзгарувчан фанларнинг ўқув ресурсларини таржима қилиш билан бирга, тез ўзгарувчан фанларнинг ўқув ресурсларидан инглиз тилида фойдаланишга ҳаракат қилиш; инглиз тилида таълим йўналишида фаолият олиб борадиган телеканаллар ташкил этиш;

- Меҳнат бозорида бугунги кунда энг зарур бўлган мутахассисликларни ўрганиш, таҳлил этиш натижасида ОТМ ларида уларни тайёрлашга асосий диққат эътиборни қаратиш ва бошқалар.

Юқоридаги муҳокамалар, фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб,

Кенгаш қарор қилади:

1-масала юзасидан

1. Ватандошлар Акрамжон Маткаримов, Иқболжон Қорабоев, Алишер Умирдинов, Хамиджон Иргашев, Мардон Юсупов, Хожиакбар Кадиров ва Одилбек Каттаевлар ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. 1-бандда номлари қайд этилган ватандошларнинг катта илмий ва амалий тажрибасини инобатга олган ҳолда уларни “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳузуридаги Халқаро экспертлар Кенгаши аъзолари сафига қабул қилинсин.

3. Кенгаш аъзоси О.Саттаровга **уч кун муддатда:**

- Кенгаш аъзолигига янги қўшилган ватандошларни Кенгаш телеграмм каналига қўшиш;

- Кенгаш таркибига киритилган ватандошларимиз тўғрисида “Эл-юрт умиди” жамғармаси вебсайти ва ижтимоий тармоқларида ахборот бериш вазифаси топширилсин.

2-масала бўйича.

1. Кенгаш аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар Кенгашнинг кейинги фаолияти давомида эътиборга олинсин.

2. Ўзбекистонда айрим илғор олий таълим муассасаларининг ўз-ўзини молиялаштириш тизимида ўтганлиги сабабли уларга берилган қўшимча ҳуқуқ ва имтиёзлар тўғрисида Кенгаш аъзолари учун қисқача маълумот тайёрлаш (**масъул: О.Саттаров, муддати 5 кун**).

3. Олий таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида Кенгаш томонидан кўрсатиладиган эксперт ёрдами аниқ муаммонинг ечимига йўналтирилган лойиҳа сифатида, 3-5 экспертни жалб этган ҳолда амалга оширилиши таклифи маъқуллансин.

4. Экспертлар томонидан тадқиқ этиладиган ва амалиётга жорий этиш учун таклиф этиладиган лойиҳаларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир лойиҳа бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Олий таълим вазирлиги ва бошқа бенефициар ташкилотлар ўртасида тегишли Меморандум (келишув, шартнома ёки бошқа ҳужжат) имзоланиши лозимлиги маъқуллансин.

5. Ўзбекистонда ўз-ўзини молиялаштириш тизимида ўтган олий таълим муассасалари ректорлари орасида **“Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантиришда энг долзарб муаммоларни нималарда кўраяпсиз?”** йўналишида сўровнома ташкил этилсин (**масъул: А.Бекмуродов, муддати 10 кун**).

6. Кенгаш аъзолари орасида **“Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантиришнинг қайси долзарб мавзусидаги лойиҳада қатнашишни хоҳлардингиз?”** йўналишида сўровнома ташкил этилсин (**масъул: Б.Абдуллаев, муддати 10 кун**).

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий таълим муассасалари илтимосларига мувофиқ, Кенгашнинг аъзолари имкониятларидан келиб чиқиб, долзарб мавзулар бўйича экспертларнинг тақдимотларини ташкил этиб бориш амалиёти давом эттирилсин.

8. Мазкур қарорнинг мазмуни (ёки нусхаси) Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига маълумот сифатида етказилсин.

Онлайн мажлисга раислик қилувчи



А. Бекмуродов